

# Имомнинг сутраси ҳаммага кифоя | Ҳадис дарслари (312-дарс)



19:00 / 25.12.2024 2447

مَوِيَّحَ إِذْ نَاكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ لَوَسَّرَ نَأْهَ نَعْلَلِ يَضَرَّرَ مَرْمَعِ نَبَلِ نَعْلَلِ  
لَعْلَلِ نَاكَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ لَوَسَّرَ نَأْهَ نَعْلَلِ يَضَرَّرَ مَرْمَعِ نَبَلِ نَعْلَلِ  
يَضَرَّرَ مَرْمَعِ نَبَلِ نَعْلَلِ لَعْلَلِ نَاكَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ لَوَسَّرَ نَأْهَ نَعْلَلِ يَضَرَّرَ مَرْمَعِ نَبَلِ نَعْلَلِ

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қачон ийд куни чиқсалар, амр қилар эдилар, олдиларига бир калта найза қўйиларди. Бас, у зот ўшанга қараб, одамлар эса у кишининг орқаларидан намоз ўқир эдилар. Шу ишни сафарда ҳам қилар эдилар. Амирлар шунинг учун ҳам бу нарсани одат қилганлар».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, имомнинг олдидаги битта сутра ҳаммага кифоя қилади.

مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلِ الْيَصِيْبِ الْاَنْيَلَعَجَرَخَ: لَأَقُ هُنَّ هَلَلِ الْيَضْرَعَةَ فَيَحُجُّ بِأَنْع  
هُرَّزْنَ عَهْدِي نَبَّوْرَصَعْلَاوَزَهْظَلَا أَنْبِ الْيَصَوَّضَوْتَفِيْ عَوْضَوْبِ يَتُفِ عَرَجَاهَلَاب  
هُتَالثَلَاوَر. اِهَائِرُوْنَمَنْوُرْمِيْ رَامْحَلَاوُهُأَرْمَلَاو

Абу Жухайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бизнинг олдимизга ҳаво иссиқ пайтида чиқдилар. У кишига таҳорат суви келтирилди. Таҳорат қилдилар. Сўнгра бизга Пешин намозини, кейин Аср намозини ўқиб бердилар. Ўшанда у зотнинг олдиларида аназа (калта найза) турар эди. Унинг ортидан эса аёл киши ҳам, эшак ҳам ўтаверар эди».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Улуғ, бошлиқ кишиларга таҳорат суви тайёрлаб беришнинг яхшилиги.
2. Пешин намозини жазирама иссиқда ҳам ўқиш жоизлиги.
3. Имомнинг олдидаги сутра қавмга ҳам кифоя қилиши.
4. Сутранинг ортидан ўтган аёл киши намозни бузмаслиги.
5. Сутранинг ортидан ўтган ҳайвон ҳам намозни бузмаслиги.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**